

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Қурилиш факультети

“Ўзбекистон тарихи” кафедраси

Р Е Ф Е Р А Т

Мавзу: Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг ташкил этилиши.

Бажарди:

Қурилиш факультети 2-13 ШҚХ гуруҳ талабаси Ғозиев Илём.

Қабул қилди:

“Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси А. Мамасиддиқов

Фарғона 2014

Ўзбекистонда икки палатали парламент.

Режа

1. Кириш.
2. Ўзбекистонда икки палатали парламентга ташкил этилиши.
3. Янги тартибдаги Ўзбекистон Олий Мажлис фаолияти.
4. Хулоса.

Кириш.

90-йиллар бошига келиб ёш мустақил давлатлардаги сиёсий вазият шундай эдики, улар олдида ижтимоий ривожланишнинг икки йўли турар эди. Биринчиси, халқ хўжалигини аввалгидек социалистик йўналишда ривожлантириш. Иккинчиси, тараққиётнинг социалистик ҳам, капиталистик ҳам эмас, балки жаҳон амалиёти синовидан ўтган бозор иқтисодиётига асосланган адолатли, демократик жамият куриш йўлидан бориш эди.

Маълум бўлдики, тузумнинг социалистик тараққиёт йўли совет жамияти мисолида мутлақо ўзини оқламади. У маъмурий-буйруқбозлик усулига асосланган бўлиб халқнинг ижодий, эркин меҳнатига қулай шароит яратмас эди. Иккинчиси эса ривожланган мамлакатлар синовида бардош берган, халқ турмушини яхшилашга қаратилган йўл эди. Ўзбекистон шуни танлади, шу йўлнинг сиёсий ва ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган ислохотларни амалга оширишга дадиллик билан киришди. Шу тариқа Ўзбекистон мустақил, ҳуқуқий, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини куриш йўлига кирди, бозор иқтисодиётига ўтиш халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида жаҳон ҳамжамиятига кириш йўлини тутди. Президент И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида: «Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак», - деб кўрсатган эди. Айни чоғда сиёсий соҳада бу: «...Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш, жамиятнинг сиёсий тизимини давлат идораларининг тузилишини тубдан яхшилаш, республика ҳокимияти ҳамда маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириши мумкин»¹, — деб таъкидлаган эди. Ана шу йўл-йўриқлар ва кўрсатмалар асосида мамлакатда муҳим ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 31 августда ўз мустақиллигини эълон қилди. 130 йилдан ортиқ давом этган мустамаलाкачилик тартиби тугатилди. Мамлакат тарихида бутунлай янги босқич бошланди. Энди мамлакатимиз тақдири бутунлай ўз фуқароларимиз қўлига ўтди. Ўзини оқламаган тузумдан қолган Қонун чиқарувчи орган буиунлай ўз хизматини ўтаб бўлган эди. Чунки унинг иш олиб бориши ҳам эскича услубда эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда янгича типдаги парламент ташкил этиш заруриятга айланди. Шу сабабдан, 90-йилларнинг ўрталарига келиб, Ўзбекистонда бутунлай янги типдаги, Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган парламент ташкил этиш ҳаракатлари бошланди ва ташкил этилди. Дунё халқлари тараққиётида муҳим бўлган Қонунчилик ишлари ҳар бир мамлакатда ўзига хос хусусиятларга эга. Ҳар бир мамлакат фуқароси ўз мамлакати Қонун чиқарувчи органи тарихини, унинг ишлаш принципларини ўрганиши унинг муқаддас бурчидир. Биз танлаган мавзунинг долзарблиги ҳам шундадир.

¹ Каримов И.А., Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли, Т., Ўзбекистон, 1992, 16-бет

Ушбу мавзу бугунги кунда мамлакатнинг етук олимлари тарафидан атрофлича ўрганилмоқда. Бу мавзуга асосан, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, тарихчилар ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Жумладан анча вақт Олий Мажлис Сенатининг раиси вазифасини бажарган, иқтисод фанлари доктори, академик Мурод Шарифхўжаев ўзининг Қонун чиқарувчи органимизнинг Сенатига бағишланган асарида, Ўзбекистон янги тарихининг III жилдида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Европа парламентлараро комиссияси билан биргаликда тайёрланган тақдимномада, Х.Т.Одилқориевнинг “Икки палатали парламент шароитида қонунчилик жараёни” номли рисоласида, бундан ташқари, республикада нашр этилаётган газета ва журналларда парламентчилик анъаналари ва олиб борилаётган ишлар ҳақида кўплаб мақолалар эълон қилинмоқда. Мавзу атрофлича ўрганилаётган бўлишига қарамасдан, бу мавзуда яна янги тадқиқотлар олиб бориш мумкин. Чунки, мустақил парламентимиз бошқа давлатнинг парламентчилик анъаналаридан намуна асосида ташкил этилмасдан, ўзига хос хусусиятга эга бўлиши, кўчирма парламент бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун бу борада ҳали кўп ишлар ва тадқиқотлар олиб борилиши керак, деб ўйлаймиз.

2. Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг ташкил этилиши.

Мустақил тараққиёт йўлига ўтган Ўзбекистон Республикасида янги парламент – Олий Мажлис – давлатчилигимизнинг негизини ташкил этади. Парламент фақатгина олий қонун чиқарувчи орган бўлиб қолмасдан, балки мамлакатимизда шаклланиб бораётган демократик тизимнинг муҳим таркибий қисмига айланиб бормоқда. 2002 йил 27 январда бўлиб ўтган референдум Ўзбекистонда икки палатали парламент тузиш ҳақида қабул қилинган қарор Олий Мажлис фаолиятини янада такомиллаштиришни, бу борадаги жаҳон амалиёти ва халқимизнинг тарихий тажрибасини чуқур ўрганишни тақозо этади.

Биз Ўзбекистонда парламентчиликнинг янги шакли ҳақида гапиришдан олдин парламентнинг юқори палатаси бўлган Сенатнинг тарихи ҳақида бироз тўхталсак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сенат тарихи билан боғлиқ гап илмий адабиётларда, одатда, қадим Римдан бошланади. Бу аслида тўғри ҳам. Чунки, биз билган, тушунган Сенат антик давлат қурилиши ва бошқарувининг анъанавий сиёсий институти сифатида айнан шу атамада илк бор қадим Римда шаклланган. Бу қадим Римгача, ҳатто, ундан ҳам олдинги даврларда Сенат мақомига хос тузилмалар бўлмаган, дегани эмас, албатта. Жумладан, Сенатга хос тизимнинг ибтидоий шакли, мақом ҳамда ваколатлари қадимги Афина давлатининг ташкил топиши (милоддан аввалги VII-VI асрлар) ҳамда ривожланган даврга (милоддан аввалги V—IV асрлар) тўғри келади, деб айтса бўлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач мамлакатимизда мутлақо янги парламентчилик Олий Мажлис ташкил этилди ва шаклланди. 1995-2004 йиллар давомида Ўзбекистонда бир палатали Олий Мажлис фаолият кўрсатган бўлса, 2005 йилдан бошлаб, Ўзбекистонда икки палатали парламент шакллантирилди.

Икки палатали парламент шароитида Олий Мажлис аъзоларининг сони ҳам ўзгарди. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига (яъни қуйи палата) жойлардан бевосита овоз бериш йўли билан 120 та депутат сайланади. Қонунчилик палатаси бевосита қонун ижодкорлиги билан шуғулланади, яъни қонунлар ишлаб чиқади. Ишлаб чиқилган қонунлар Олий Мажлис Сенатида қабул қилинади. Олий Мажлис Сенати эса вилоят халқ депутатлари кенгашларига сайланган вакиллар орасидан овоз бериш йўли билан сайланади. Ҳар бир вилоятдан 6 тадан вакил, жами 84 вакил сайланади. Қолган сенаторлар эса мамлакат Президенти томонидан тайинланади.

Икки палатали парламентга ўтиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар киритиш асосида амалга оширилган конституцион ислохотлар, шунингдек асосий конституциявий қонунлар қабул қилиниши натижасида Қонунчилик палатасига сайлов ўтказилиб, у икки босқичдан иборат бўлди. Сайлов

ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, сайлов участкаларига бўлинган 120 та сайлов округи ташкил этди. Сайловнинг биринчи босқичи 2004 йил 26 декабрь куни ўтказилиб, 62 нафар халқ ноиб, 2005 йил 9 январда бўлиб ўтган иккинчи босқичда Қонунчилик палатасига 58 нафар депутат сайланди², Сайловлар ҳам Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, ҳам сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари кўрсатган депутатликка номзодлар ишпирокида бўлиб ўтди. Сайловда қуйидаги сиёсий партиялар иштирок этди: Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ-демократик партияси, Ўзбекистон Фидокорлар миллий-дейократик партияси (2000 йилнинг июнида Фидокорлар партияси «Ватан тараққиёти» партияси билан бирлашган), Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, шунингдек Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси сайлов натижаларига - кўра сиёсий партиялар ва - сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари вакиллари бўлган депутатлар ўртасида парламентдаги ўринлар тақсимоти қуйида бўлади:

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг партиявий таркиби (2005-2009 йиллар):

41-киши – ЎзЛиДепдан

28 киши – ЎзХДПдан

18 киши – Фидокорлар партиясидан

11 киши – Миллий тикланиш партиясидан

12 киши – Адолат социал-демократик партиясидан

10 киши – мустақил депутатлар³.

Икки палатали парламент ташкил этилгач, Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият ўз тараққиётида янги поғонага кўтарилди. Энг асосийси, гарчи қонунчилик жараёни анча мураккаблашган булса-да, қабул қилинган қонунларнинг сифати сезиларли даражада ошди. Қонунларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайди. Қонун лойиҳаларини партияларнинг фракцияларида олдиндан кўриб чиқиш, Қонунчилик палатаси ялпи мажлисларида ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда уларнинг фикрларини албатта эшитиш амалиёти шаклланди.

Икки палатали парламент шароитларида қонунлар уч ўқишда қабул қилинади. биринчи ўқишда одатда қонун лойиҳасининг умумий концепцияси ва асосий қоидалари тасдиқланади, иккинчисида - ҳар бир модда батафсил. кўриб чиқилади ҳамда шу модда юзасидан алоҳида овоз бериш ўтказилади, учинчи ўқишда эса қонун лойиҳаси уни муҳокама қилмай тўлалигича овозга қўйилади. Шундан сўнг қонун қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

2002 йил 4 апрель куни иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни, 2002 йил 12 декабрда эса, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунлар қабул қилинди. 2003 йилнинг 24 апрелида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. 2003 йил 29 август куни Олий Мажлиснинг ўн иккинчи сессиясида парламент ислохатини амалга оширишни янада кенгайтиришга қаратилган: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги (янги таҳрирда) "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси (чизмалар ва жадваллари билан), Тошкент, 2006, 11-бет

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси (чизмалар ва жадваллари билан), Тошкент, 2006, 10-бет

Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди⁴.

Қабул қилинган қонунлар қўйи ва юқори палатани шакллантириш тартибини, палаталарнинг биргаликдаги ва мутлақ ваколатларини, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг фаолияти билан боғлиқ тартиб -таомил масалаларини, палаталари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш йўлларини, шу жумладан келишув тартиботини белгилаб берди.

Ўзбекистон Конституциясининг 83-моддасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари белгилаб берилган. Чунончи, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади⁵.

Маълумки, бир палатали институтдан икки палатали институтга ўтиш сайловга доир қонун ҳужжатларига ҳам ўзгартишлар киритилишини тақозо этди. Шу боис 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун 2003 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилиниб, 2004 йил 1 июлдан эътиборан, яъни Ўзбекистон Республикасининг янги икки палатали парламентига сайлов арафасида амалга киритилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг фаолияти қўйи палата депутатлари уз ваколатларини амалга оширишлари билан чамбарчас боғлиқ. Уларнинг фаолиятини таъминлаш, тегишинча қўйи ва юқори палаталарнинг ҳам фаолиятини таъминлаш мақсадида 2004 йил 2 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенатнинг аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Мухтасар қилганда, юқорида санаб ўтилган ҳужжатлар ҳар иккала палата самарали фаолият кўрсатиши учун қонунчилик базасини яратади, шунингдек ўтказилган ислохотлар натижасида шакллантирилган янги парламент тизимини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунларини қабул қилиш тартиб-таомилни тартибга солади.

3. Янги тартибдаги Ўзбекистон Олий Мажлис фаолияти.

Янги ташкил этилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси асосан қонунларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Қонунчилик палатаси ваколатларига қўйидаги ишлар киради:

- палатанинг ва палата Кенгашининг мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;

- Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;

- палата томонидан қабул қилинган қонунларни маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборади;

- палата қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Қонунчилик палатаси ҳужжатларининг ижроси усгидан назоратни ташкил этади;-;

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (чизмалар ва жадваллари билан), Тошкент, 2006, 12-бет

⁵ Ўзбекистон Республикасининг конституцияси, Тошкент, Ўзбекистон, 1992, 26-бет

- Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;
- парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Қонунчилик палатаси гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;
- Қонунчилик палатаси матбуот органларининг уставларини ва таҳрир хайъатлари таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди;
- Кенгаш билан келишилган ҳолда Қонунчилик палатаси матбуот органларининг бош муҳаррирларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади;
- Қонунчилик палатаси матбуот органларининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;
- Сенат, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Қонунчилик палатаси номидан иш қўради;
- Қонунчилик палатаси ва Кенгаш қарорларини имзолайди;
- Қонунчилик палатаси Девони фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, депутатлар ва Қонунчилик палатаси Девони ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди⁶.

Қонунчилик палатаси фаолиятини самарали ташкил этиш қўмиталар ишини мувофиқлаштириб бориш қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини ржалашгириш масаласини дастлабки тарзда қўриб чиқишни ташкил этмш мақсадида Кенгаш тузилади, унинг таркибига палата Спикери, унинг ўринбосарлари, фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг раҳбарлари, қўмиталарнинг раислари киради.

Ўзбекистоннинг ҳозирги парламент тизимининг хусусияти шундаки, Сенатдан фарқли ўлароқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий, профессионал ва бошқа асосларда «фракциялар» ҳамда «депутатлар гуруҳлари» шаклида депутатлар бирлашма тузилиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, Қонунчилик палатаси Ўзбекистон сиёсий партияларнинг фаолият майдони бўлган бир вақтда Сенат мамлакат минтақаларининг манфаатларида келиб чиққан ҳолда шакллантиради ва ўз фаолиятини амалга оширади.

Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган депутатлар бирлашмаси бўлиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Депутатлар бирлашмасининг бошқа шакли - депутатлар гуруҳи бўлиб, у сиёсий партиялардан кўрсатилмаган депутатлар томонидан тузилади. .

Депутатларнинг фракцияга ёки делутатлар гуруҳига кириши тўғрисидаги Қарор уларнинг мажлисларида қабул қилинади. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонунга мувофиқ, қуйи палата депутати фақат битта фракция ёки депутатлар гуруҳининг аъзоси бўлиши мумкин. Агар у сиёсий партиядан кўрсатилган бўлса, фақатгина ўз партиясининг фракцияси аъзоси бўлиши мумкин ёки ҳеч бир фракция ёхуд депутатлар гуруҳига кирмасликка ҳақли.

Фракция ва депутатлар гуруҳи қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

- Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни қўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритади; мунозараларда фракция, депутатлар гуруҳи вакилига кафолатланган тарзда сўз берилиши ҳуқуқидан фойдаланади;
- келишув комиссияси ва бошқа комиссиялар тузиш тўғрисида масала қўяди;
- Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан муурожаат этади;

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (чизмалар ва жадваллари билан), Тошкент, 2006, 14-бет

- Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фикрини Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасида тарқатади;

- Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ва қарорларининг лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини киритади;

- Қонунчилик палатаси мажлисида ҳукумат аъзоларини уларнинг фаолияти масалалари юзасидан эшитиш тўғрисида масала қўяди;

- фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фаолияти учун зарур материаллар ва ҳужжатларни давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан талаб қилиб олади;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколарни амалга оширади⁷.

Қонунчилик палатасининг Регламентига мувофиқ қўйида келтириладиган 10 та қўмита тузилган⁸. Қўмита ишига раис, раис йўқлигида раис ўринбосари раҳбарлик қилади. Қўмита ишини ўз режаларига, шунингдек Қонунчилик палатаси, унинг Спикери ва Кенгаш топшириқлари ҳамда тавсияларига мувофиқ ташкил этади. Қўмита, агар унинг навбатдаги мажлисида қўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, қарор қабул қилишга ваколатлидир. Қўмита мажлислари унинг раиси ташаббуси билан ёки қўмита аъзолари умумий сонидан камида ярмининг ташаббуси билан чақирилади⁹.

Қонунчилик палатасининг мажлислари очиқ, ошқора ўтказилади ва оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилади. Мажлисларда баённомалар ва стенограммалар юритилади.

Зарурат бўлганда, Қонунчилик палатаси ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Бундай қарор, агар бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Қонунчилик палатаси Спикери, Кенгаш, қўмита ёки депутатлар бирлашмаси томонидан таклиф киритилган бўлса¹⁰, қабул қилиниши мумкин.

Муҳокама эталаётган масала бўйича мунозаралар Қонунчилик палатаси томонидан белгиланган вақт ўтиши билан ёки депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинадиган палата қарорига биноан тўхтатилиши мумкин. Мунозараларда сўзга чикувчи депутатларга 10 дақиқача вақт берилади. Мунозараларда такрорий сўзга чиқиш учун 3 дақиқача вақт берилади¹¹. Қонунчилик палатасининг мажлисларида депутат айни битта масала бўйича мунозараларда кўпи билан икки марта сўзга чиқиши мумкин.

Қонунчилик палатасининг қарорлари унинг мажлисларида очиқ ёки яширин овоз бериш орқали қабул қилинади. Очиқ овоз бериш номма-ном ўтказилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини, қоида тарикасида, уч ўқишда кўриб чиқади.

Агар қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан учинчи ўқишда қабул қилинмаса, у рад этилган ҳисобланади ва рад этиш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси билан биргаликда қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтарилади. Айрим ҳолларда фракциялар ёки депутатлар гуруҳлари қонун лойиҳасини иккинчи ўқиш тартиб-таомилига қайтариш тўғрисида ташаббус билан чиқишлари мумкин. Бундай ҳолда овозга қўйиш ўтказилади.

Қонун Қонунчилик палатаси томонидан депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ёки

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (чизмалар ва жадваллари билан), Тошкент, 2006, 13-14-бетлар

⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (чизмалар ва жадваллари билан), Тошкент, 2006, 17-бет

⁹ Шарифхўжаев М., Сенат, Тошкент, 2002, 28 бет

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (чизмалар ва жадваллари билан), Тошкент, 2006, 13-14-бетлар

¹¹ Шарифхўжаев М., Сенат, Тошкент, Ўзбекистон, 2002, 68-бет

конституциявий қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун, агар унга депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунлар Қонунчилик палатасининг тегишли қарорлари ва бошқа зарур материаллар билан биргаликда масъул қўмита томонидан расмийлаштирилади ҳамда Қонунчилик палатаси Спикери томонидан Сенатга кўриб чиқиш учун 10 кун ичида юборилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қабул қилган қонунни Сенат томонидан кўриб чиқиши тартиб-таомили «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунлар, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонун, парламент Сенатининг Регламенти билан тартибга солинади. Умуман олганда, Сенат томонидан қонунларнинг маъқулланиши тартиби қонунларни парламент қуйи палатаси томонидан кўриб чиқиши ва қабул қилиниши тартиб-таомилига ўхшаш. Сенат томонидан маъқуллаш тартиб-таомилини хос хусусияти шундаки, овоз бериш моддама-модда эмас, балки қонуннинг тўла матни бўйича ўтказилади, Сенат қонунни қабул қилиш ёки рад этиб, қуйи палатага қайтариш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қонун Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади, у қонун қабул қилинса, уни имзолайди ва эълон қилади ёки қонунни ўз эътирозлари билан Қонунчилик палатасига қайтаришга ҳақлидир. Президент томонидан қайтарилган қонун бир ой муддат ичида Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқиши лозим. Қайтарилган қонун Қонунчилик палатасининг Спикери томонидан масъул қўмитага топширилади. Кенгаш масъул қўмитанинг хулосасини олгач, Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан қайтарилган қонунни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги масалани навбатдан ташқари тартибда Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритади.

Президент томонидан қайтарилган қонунни Қонунчилик палатасининг мажлисида қайта кўриб чиқиш Президентнинг таклифлари ва мулоҳазаларини, масъул қўмитанинг ушбу таклифлар ва мулоҳазалар бўйича хулосасини баён этишдан бошланади.

Қонунни қайта кўриб чиқиш натижасида палата томонидан қуйидаги учта қарордан бири қабул қилинади:

1) қонунни Президентнинг таклифлари ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш;

2) қонунни бундан буён кўриб чиқмаслик;

3) қонунни аввалги қабул қилинган таҳририда маъқуллаш¹².

Янги Конституция қабул қилиш ёки унга ўзгартишлар киритиш ҳар қандай давлатда ҳам ўта муҳим аҳамиятга молик сиёсий ва ижтимоий воқеа сифатида эътироф этилиб, жамиятда жуда катта ақс садога сабаб бўлади. Бинобарин, бу иш зарурат, масалан, давлат миқёсида ислохотлар ўтказиш тақозоси ҳисобланади. Зеро, мамлакат Конституцияси олий юридик кучга эга қонун ва бошқа қонунлар қабул қилиниши учун асос сифатида эътироф этиларкан, тегишинча унга ўзгартишлар киритиш ҳам мураккаб тусга эга бўлади.

Конституция лойиҳасини, конституциявий қонунлар ҳамда Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини назарда тугувчи қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқишнинг белгиланган муддати иккинчи муҳим хос хусусиятдир. Бу муддат кенг муҳокама ўтказиш учун зарур бўлган вақт ҳисобга олинган ҳолда тегишли таклиф палатага киритилган пайтдан бошлаб, 6 ой қилиб белгиланган. Одатда бундай ҳолда умумхалқ референдуми ўтказилиши мумкин.

¹² Шарифхўжаев М., Сенат, Тошкент, Ўзбекистон, 2002, 71-бет

Қонунчилик палатаси Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини рад этса, уни кўриб чиқиш камида бир йилдан кейин қайта бошланиши мумкин.

Давлат бюджети ҳар йили мамлакат ҳукумати ишлаб чиқадиган ва парламент қабул қиладиган, давлатнинг қонун мақомига эга бўлган асосий молиявий ҳужжати бўлиб, уни қабул қилишнинг, хусусан, қабул қилиш муддатининг хос хусусиятлари бор. Қонунларнинг ижроси устидан назорат қилиш қонунийлик ва адолатни таъминлашнинг муҳим шартидир. Мамлакат парламентида назорат-таҳлил фаолияти инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш масалаларига доир қонун ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган.

Жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва демократлаштириш, давлат ва жамиятни бошқаришни такомиллаштириш жараёнлари доирасида барча органлари ва мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг амалда ижро этилиши устидан парламент назоратини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Конституциянинг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси", деб аталган XVIII бобнга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчаларнинг Олий Мажлис Сенатига дахлдорлари ўнта моддада (76-78-, 80-82-, 84-, 86-88-моддалар) мужассамлашган. Киритилган ўзгартишлар ва қўшимчаларни шартли равишда тўрт гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳ умумий йўналишдаги мундарижа билан боғлиқ. Яъни Конституциянинг 76-моддасида Олий Мажлис мақоми ва таркиби расмийлашган: *"Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан - Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати - беш йил"¹³.

Иккинчи гуруҳ иккала палата, яъни ҳам Қонунчилик палатаси ва ҳам Сенатга тааллуқли моддалардан иборат. Олти моддада юридик аксини топган ўзгартишлар ва қўшимчаларнинг бевосита Сенатга дахлдорлари қуйидагилар (аслида моддалар мундарижаси "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида"ги конституциявий қонунда ҳам мужассам бўлиб, унинг қуйироқда берилган таҳлилида мазкур моддалар мазмунан айнан такрорланади):

а) Конституциянинг 77-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади¹⁴.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин.

¹³ Шарифхўжаев М., Сенат, Тошкент, Ўзбекистон, 2002, 65-бет

¹⁴ Шарифхўжаев М., Сенат, Тошкент, Ўзбекистон, 2002, 67-бет

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмас;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида уч марта ўтказилади. Мажлис сенаторлар умумий сонининг камида ярми ишпирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати алоҳида-алоҳида мажлис ўтказадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан Қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин;¹⁵

- Конституциянинг 82-моддасига кўра, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ўз ваколатларига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади. Қарорлар Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Конституцияда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

- Асосий Қонуннинг 84-моддасида белгиланган қонун қабул қилиш тартибига биноан қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилингандан сўнг, юридик кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати маъқуллаган қонуи имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қайтарилади¹⁶.

Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги овози билан маъқулланса, у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилади¹⁷.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли.

¹⁵ Мулоқот, №3, 8-бет

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (чизмалар ва жадваллари билан), Тошкент, 2006, 21-бет

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (чизмалар ва жадваллари билан), Тошкент, 2006, 19-бет

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмдан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак;

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат"¹⁸:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунларини, қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш;

6) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

7) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

8) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш;

9) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

10) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;

11) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;

12) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

14) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири. номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

16) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасигз ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш;

21) ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш¹⁹.

¹⁸ Шарифхўжаев М., Сенат, Тошкент, Ўзбекистон, 2002, 69-бет

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (чизмалар ва жадваллари билан), Тошкент, 2006, 20-21-бетлар

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатида кўриб чиқилади" (78-модда).

Сенатда ҳудудий мансубликка кўра ҳамда сиёсий ёки бошқа асосда гуруҳлар тузишга йўл қўйилмайди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги қонуннинг 2-моддасида²⁰ белгиланганидек, Сенат фаолияти масалаларни биргаликда эркин муҳокама қилишга, ошқораликка, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга асосланади.

Сенатни шакллантириш тартиби "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади²¹.

Сенатнинг ваколат муддати - беш йил. Ваколат муддати тугагач, Сенат янги чақирик Сенати иш бошлашга қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

Сенат Раиси Сенат таркиб топганидан кейинги биринчи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақлифига биноан Сенат аъзолари орасидан яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Сенат ваколати муддатига сайланади. Сенат Раислигига ном-зод кўрсатиш ва сайлаш тартиби Сенат Регламентида рас-мийлашган. Регламентнинг 4-моддасига кўра Сенатнинг биринчи мажлиси Сенат Раисини сайлашдан бошланади.

Сенат Раисининг ваколатлари

- 1) Сенат ва унинг Кенгаши мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;
- 2) Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни тай-ёрлашга умумий раҳбарлик қилади;
- 3) Сенат маъқуллаган қонунларни имзолаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборади;
- 4) Сенат қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;
- 5) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Сенат қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;
- 6) Сенат Раисининг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;
- 7) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Сенат гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;
- 8) Сенат матбуот органларининг уставларини ва таҳрир хайъатлари таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди;
- 9) Кенгаш билан келишилган ҳолда Сенат матбуот органларининг бош муҳаррирларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади;
- 10) Сенат матбуот органларининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;
- 11) Қонунчилик палатаси, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Сенат номидан иш қўради;
- 12) Сенат ва унинг Кенгаши қарорларини имзолайди;
- 13) Сенат девони фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, сенаторлар ва Сенат девони ишлаши учун зарур хара-жатлар сметаларини тасдиқлайди;
- 14) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу қонун ва Сенат Регламентида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги конституциявий қонуннинг 18-моддасида Сенат қўмиталарининг саккизта ваколати қайд этилган. Улар:

- 1) Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга маъқуллаш учун топширилган қонунлар юзасидан ҳулосалар беради;

²⁰ Шарифхўжаев М., Сенат, Тошкент, Ўзбекистон, 2002, 76-бет

²¹ Мулоқот, 2004, №4, 5-бет

2) ўзининг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан ўз ташаббуси билан ва Сенатнинг топшириғига биноан Сенат ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқади;

3) қонунни мажлис кун тартибига киритиш ёки унинг (87-бет) устида ишлашни давом эттириш ёхуд асослантирилган ҳрлда уни рад этиш тўғрисида Кенгашга таклифлар киритади;

4) Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан хулосалар ва таклифлар беради;

5) давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатларни, эксперт хулосалари ва бошқа хулосаларни, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади;

6) Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларни кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари тузади, уларнинг таркибига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимларни, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг раҳ-барларини жалб этади;

7) киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, Сенат томонидан қабул қилинаётган қарорлар матнига ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

8) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Сенат ҳужжатлари ҳамда қўмиталарнинг қарорлари улар томонидан қандай бажарилаётгани ҳақидаги ахборотларини эшитади.

Сенат тўғрисидаги конституциявий қонунга биноан Сенат қўмиталари ишни ўз режаларига, шунингдек, Сенат, унинг Раиси ва Кенгаши топшириқлари ҳамда тавсияларига мувофиқ ташкил этади. Сенат қўмиталарининг фаолияти тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

Сенат қўмиталарининг мажлислари Сенат мажлислари оралиғида заруратга қараб ўтказилади. Сенат қўмиталарининг мажлислари, агар уларда қўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Сенат қўмиталарининг мажлислари очик ўтказилади. Зарурат бўлганида Сенат қўмиталари ёпиқ мажлис ўтказиш тўқрисида қарор қабул қилиши мумкин²².

Қонунни дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижалари асосида масўул қўмита қонун юзасидан хулоса қабул қилади. Хулосада қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги тавсия ифодаланган баҳо бўлиши керак. Сенат Регламентидаги шартга биноан қонунни рад этиш зарурлиги тўғрисидаги хулосада масўул қўмитанинг қонунни рад этиш зарур, деб ҳисоблашининг вазлари баён этилиши лозим. Масўул қўмитанинг хулосаси Сенат Кенгашига тақдим этилади, Кенгаш қонунни Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритиш-киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилади.

Сенат масўул қўмитанинг хулосасини олгандан кейин мажлисни, Сенат Регламентига биноан, маърузачининг ушбу хулосасини ўқиб эшиттиришдан бошлайди. Кейин қонунни муҳокама қилади ва уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини, унга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчаларни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунлари ҳамда уларга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчаларни маъқуллаш учун сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига мувофиқ Сенат тўғрисидаги конституциявий қонуннинг 25-моддасига, Сенат Регламентининг 12-моддасига биноан Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан Сенат ва Қонунчилик палатаси юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин.

²² Шарифхўжаев М., Сенат, Тошкент, 2002, 88-бет

Келишув комиссиясини тузиш тартиби, комиссиянинг таркиби ва иши белгилаб берилган Сенат Регламентида қайд этилганидек, Сенатда келишув комиссиясини тузиш тўғрисидаги ташаббус Сенат Раисидан, шунингдек, Сенат аъзолари умумий сонининг камида бешдан бир қисмини ташкил этувчи сенаторлардан чиқиши мумкин.

Келишув комиссияси ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилинади.

Хулосага қонунга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳасининг матни илова қилинади.

Хулоса Сенат ва Қонунчилик палатасидан сайланган келишув комиссиясининг ҳамраислари томонидан имзоланиб, тегишинча Сенат ва Қонунчилик палатасига топширилади.

4. Хулоса.

Ўзбекистонда дастлабки мустақиллик йилларида собиқ СССР даврида фаолият юритган Олий Кенгаш қонун чиқарувчи орган сифатида иш юритди. Бу орган мамлакатимизнинг мустақиллиги асосларини яратган қонунлар қабул қилди. Лекин бу орган собиқ даврдан қолган орган бўлганлиги учун янги даврнинг руҳини ўзида акс этира олмаслиги ҳисобга олиниб, мамлакатимизда бутунлай янги орган – Олий Мажлис шакллантириш мақсад қилиб қўйилди ва бу амалга оширилди. 1995-2004 йиллар давомида Олий Мажлиснинг иккита чақириғи иш олиб борди. Бу даврда Олий Мажлис бир палатали бўлиб, мамлакатимизнинг янги даврда амал қилиши керак бўлган бир қанча қонунларни қабул қилди. Ўзбекистон ҳуқуқий демократик йўлга ва бозор иқтисодиёти шароитида дадил одимлаб борди. Лекин, дунё парламентчилиги шароити бутунлай – икки палатали парламентага ўтишни тақозо этганлиги сабабли, 2002 йил 27 январь куни умумхалқ референдуми ўтказилди. Бу референдумнинг асосий мақсади мамлакатимизда икки палатали парламентага халқнинг розилиги билиш бўлган эди. Референдумда 11344242 киши қатнашди ва сайловчиларнинг 93,65% и икки палатали парламент тузишни ёқлаб овоз берди.

2002 йил 4-5 апрель кунлари булиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида “Референдум яқунларн ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида” Конституциявий қонун ва «2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг яқунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари икки палатали парламент тузиш ишларини бошлашга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси парламентининг номи бундан кейин ҳам Олий Мажлис деб аталаверади. Унинг таркибида иккита палата тузилади. Қуйи палата - Қонунчилнк палатаси, юқори палата эса Сенат деб аталди.

Қонунчилик палатаси ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган 120 нафар депутатдан иборат бўлди. Қонунчилик палатаси депутатлари тўғридан-тўғри халқ томондан сайланади ва халқ вакилларн ҳисобланади. Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларнинг профессионал, доимий фаолият кўрсатишига асосланади.

Сенат Олий Мажлисининг ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, 100 нафар Сенат аъзолари (сенаторлар) дан иборат бўлади. Сенат республикамиз минтақаларининг манфаатларини акс эттиради ва ҳимоя қилади.

Шунингдек, 2003 йил 24 апрелда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида тўпланган парламентаризм тажрибаси. Ўзбекистон халқининг қадриятлари ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур қонунлар парламентимиз иккала палатаси ваколатларини ва фаолиятининг ташкилий шаклларини аниқ белгилаб берди.

Парламентнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги роли ортди. Олий Мажлиснинг ҳукуматни шакллантириш, унинг фаолиятини назорат қилишдаги ваколати кучайди. Президент ваколатларининг бир қисми - давлат, суд тизими ва махсус хизматларнинг раҳбарларини чет эллар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик вакилларни тайинлаш ва тасдиқлаш сенатга ўтказилди.

Иккинчидан, Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий, профессионал асосда амалга оширади. Бу ҳол мазкур палатага сайланадиган депутатлар таркибини сифат жиҳатдан ўзгартиришига, уларнинг малака ва касб маҳоратига бўлган талабларни ортишига олиб келади. Қонунлар устида ишлаш жараёни тубдан ўзгарди, уларнинг сифати яхшиланмоқда. Қонунчилик палатасига депутатлар сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган рўйхатлар асосида ва фуқароларнинг ўз номзодини қўйиш йўли билан сайланади. Бу ҳол сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, фуқаролик нодавлат институтларининг ҳаётдаги ўрни, таъсири ва аҳамиятини кучайтишига имкон беради.

Учинчидан, Миллий парламентнинг ҳар қайси палатасининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари Конституцияда аниқ белгилаб берилди, уларнинг мутлақ ва биргаликда амалга оширадиган фаолият соҳалари аниқ чегараланиб қўйилди. Қонуний асосда белгилаб қўйилган бу ҳуқуқий ҳолат палаталар ишида бир хиллик ва бир-бирини такрорлаш эҳтимолини бартараф этишни таъминлайди.

Тўртинчидан, Жамият сиёсий ҳаёти фаоллашади, фуқароларда ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ўзлигини англаш туйғуси кучаяди. Бу ҳолат фуқароларда, ўзини ўзи бошқаришнинг демократик тузилмаларида давлат ва мамлакат раҳбарияти олиб бораётган ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатга танқидий жиҳатдан ҳолис баҳо бериш, фуқаролик ёндашув ва позиция шаклланишига қўмаклашади.

Икки палатали парламентнинг шакллантириш билан боғлиқ ҳолда сайлов қонунчилигига ҳам ўзгартишлар киритилди.

Сайлов ўтказиш куни аввалги йилларда депутатларнинг ваколат муддати тугашига кечи билан уч ой қолганида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланар эди. Икки палатали парламентни шакллантириш муносабати билан сайлов кунини белгилаш тартиби ҳам ўзгарди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда Олий Мажлисга сайловлар вақтида ҳеч қандай мулкӣ цензлар (чегаралаш) бўлмайди. Ҳозирги кунда баъзи ривожланган мамлакатларда ҳам сайлов цензлари мавжуд. Масалан, Буюк Британияда сайлов учун пул гарови 500 фунт стерлингни, Японияда эса 1 миллион йенани ташкил этади. Бу нарса мамлакатимиздаги Олий Мажлисга сайланадиган депутатларнинг ҳар қандай ҳолатидан қатъий назар сайланиши мумкинлигини, у ерда ҳолисона иш олиб боришини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А., Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли, Т., Ўзбекистон, 1992
2. Каримов И.А., Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, Тошкент, Ўзбекистон, 1997
3. Каримов И.А., Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари, Т., Ўзбекистон, 1995
4. Каримов И.А., Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришни муҳим вазифалари, Т., Ўзбекистон, 1996,
5. Шарифхўжаев М., Сенат, Тошкент, 2002
6. Халилов Э.Х., Сайлов тизимини ислоҳ қилиш – демократик ҳуқуқий демократик давлатни барпо қилишда муҳим қадам. Т., Ўзбекистон, 1994
7. Ўзбекистоннинг янги тарихи, 3-китоб, Тошкент, Шарқ, 2000
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Т., Ўзбекистон, 1992
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (чизмалар ва жадваллари билан), Тошкент, 2006

10. Халқ сўзи, 1995, 24 январь
11. Мулоқот, 2004, №4